

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАШГУЛОТЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИНГ РОЛИ

Ж.А. Исаков

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, “Архитектура ва қурилиш”  
кафедраси в.б. профессори

Г.А.Мамиталиев

Андижон давлат педагогика институти “Тасвирий санъат ва мусиқа таълими”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11518490>

**Таянч сўзлар:** композиция, ижод, дастгоҳли, соя, ёруғ, тасаввур, асар, ганч, ёғоч, металл, суяқ, тош, нақш.

**Ключевые слова:** композиция, создание, устройство, тень, свет, воображение, гипс, дерево, металл, кость, камень, узор.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни келажак ҳаётга тайёрлаш, ижодий фаолиятга, одоб-ахлоқли бўлишга, илм олишга, фойдали юмушлар билан шуғуланишга тайёрлаш ишлари Шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетган ноёб амаллардандир. Таълим-тарбия ишларининг қонун билан ҳимояланиши, барча ташкилий, раҳбарлик ва таъминот ишларининг давлат тасарруфида бўлиши, давлатнинг, халқнинг ўз келажаги учун жиддий қайфуришидан далолат беради.

Шарқ халқларининг узоқ тарихида, ҳатто одамзод пайдо бўлишининг бошланғич даврларида, масалан, ибтидоий жамоа тузумида, қулдорлик жамияти тузумида ҳам ёш болаларнинг, келажак авлоднинг тарбиясига эътибор бераб келинган. Ибтидоий жамоа тузумида дастлаб ёғочлардан айрилар, ўткир учли найзалар ясаш ва улар билан ов қилиш ўргатилган бўлса, кейинчалик ёғочлардан турли тош, жез, суяқ кабиларга дасталар ўрнатиш, улар билан меҳнат қилиш, ов қилиш, турли хил мосламалар ясаш ўргатилган. Қулдорлик тузумига келиб, ёғоч асбоблар, дасталар, мосламалар ясаш такомиллашди, ўзига хос сифат, жило берадиган қилиб, қўлланилиш мақсадига қараб, ўз вазифасини аниқ бажара оладиган қилиб ясалди ва бу ишлар фарзандларга, шогирдларга ўргатиб борилди. Ёғочдан уй-рўзғор буюмлари: чеалклар, косалар, лаганлар, тоғоралар, бочкалар, сувдонлар, қошиқлар, турли асбоблар учун дасталар, ғилдираклар, омоч қисмлари; ҳарбий мақсадлар учун ашёлар: найзалар ва ўқлар дасталари, эгарлар, деворларни бузиш мосламалари, манжанақлар, нарвонлар, кўприклар, декчалар, сафар анжомлари; қурилиш мақсадлари учун ашёлар: устунлар, тўсинлар, эшиклар, панжаралар, дарвозалар, курсилар, токчалар, аравалар, тахтиравонлар ва бошқа юзлаб номдаги мосламалар тайёрланган, ҳаётда самарали фойдаланилган. Албатта, ушбу ёғоч жиҳозларни тайёрлаш, ясаш ва фойдаланиш даврида ёш ўсмир болалар бевосита ёки билвосита иштирок этганлар, бу йўл билан уларнинг шу соҳадаги билимлари такомиллаштириб борилган. Феодал тузуми даврига келиб, буюк давлатчилик сиёсатлари баравар ривожлантирилди, барча соҳалардаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар ишлаб чиқариш жуда кенг миқёсда тараққий этди, ҳатто, нафис санъат даражасига етди. Энди буюмлар ва жиҳозларнинг фақат иш бажаришга чидамлилигигагина эмас, балки нафис, гўзал, чиройли, безакли қилиб тайёрланишига ҳам жиддий эътибор берилди.

Ёшларни меҳнат қилишга, турли ҳунарларни эгаллашга даъват қилувчи фикрлар ёзма ва оғзаки манбаларда жуда кўп. Шарқнинг буюк мутафаккирларининг қимматбаҳо асарларида бу масалага жуда катта эътибор берилган. Пандномалар, насиҳатлар, ўгитлар, ҳунарлар рисолалари, тарихий асарлардаги тавсифлар, насрой ва назмий баёнларда, ғазалларда, таълимотларда ўз аксини топган.

Эрамизнинг VIII аср охири IX асрнинг бошида яшаб ижод этган аллома Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг (783-850) 20 дан зиёд асарларидан бизгача 10 га яқини етиб келган. Буюк мутафаккир ал-Хоразмий бутун дунё фани тараққиётида ёрқин из қолдирган олимдир. Унинг «Ал-жабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида», «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб», «Қўшиш ва айириш ҳақида китоб», «Зиж» каби асарларидан ташқари «Астурлоб ясаш ҳақида китоб», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида»ги китобларида ўта мураккаб ўлчов асблори ясаш ва улардан фанда фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Демак, ўтмиш алломалари турли назарий ғоялар бериш билан чегараланиб қолмасдан амалда турли асблор, қурилмаларни ўзлари аниқ ҳисблар асосида ясаганлар ва фойдаланганлар. Ёшларга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш, уларни илм-фан сирларини эгаллашга жалб этиш, савоб ишларни бажаришга йўналтириш, ижод билан шуғулланишга даъват этишга жуда кўп алломалар ўз асарларида эътибор бердилар. Аҳмад Юғнакий (XII аср), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (860-941), Носир Хисрав (1004-1088), Юсуф Ҳос Ҳожиб (XI аср), Махмуд Кошғарий (XI аср), Аҳмад Яссавий (1103-1166), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501) каби кўплаб жаҳон маданиятининг, маънавиятигининг етакчи алломалари сифатидатан олинган мутафаккирларимиз ҳам ўз асарларида ёшлар таълим-тарбиясига, уларда инсоний фазилатларнинг шаклланишига, фойдали меҳнат қилишга, илм-фанин ўрганишга жиддий эътиборларини қаратганлар.

Мовароуннаҳрнинг улуғ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий ўз умри давомида илм-фанинг турли соҳаларига бағишлиланган 160 дан зиёд асарлар битган. Улар орасида «Нуфузли шаҳар аҳолисининг мослиги», «Баҳт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» (Рисола фи-т танbih ала асбоб ас-саодат), «Фазилатли хулқлар» (Ас-сийрат ал-фозила) номли таълим-тарбияга оид асарлари инсон фазилатлари, таълим-тарбия борасидаги ноёб дурданалар ҳисблланади.

Табобат илмининг етакчи намояндаси сифатида танилган буюк қомусий аллома Абу Али ибн Сино 450 дан зиёд асарлар яратган. Шулардан 160 дан зиёди бизнинг давримизгача етиб келган бўлиб, 4 таси бевосита таълим-тарбияга оид. Шарқ мутафаккирларининг илмий асарлари, ижодий мерослари миллий қадриятларимизнинг, жаҳон маънавий меросининг жуда улкан қисми бўлиб, барча соҳаларда келажак авлодга ўрганиш ва ўргатишда чексиз таълим-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тасвирий ва амалий санъат асарлари бизгача турли кўринишларда етиб келган. Ҳусусан: Одамзоднинг қадимги турар жойларида ғорлар деворларида акс эттирилган чизмалар, тасвиirlар; турли буюмларда лойдан, тошдан, рангли материаллардан, суяклардан, ёғочлардан ишланган асарлар; турли тарихий обидалар, меъморий

бинолардаги нақшлар; тарихий ёдгорликлардаги устунлар, эшиклар; хонтахталар, лавҳлар, курсилар.

Мусаввирлик, графика санъати Шарқда қадимдан тарқалган бўлиб, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Моний, Содик Бек Афшор, Устод Гунг, Устод Жаҳонгир, Устод Абдулхамид, Устод Шамсиiddин, Устод Пир Сайд Аҳмад Табризий, Аҳмад Боғи Шамолий, Шоҳ Муҳаммад Тамими, Қосим Али, Хўжа Ғиёсиддин Ҳиравий, Амршоҳ Сабзаворий, Мирак Наққош, Халил Мирзо Шоҳруҳий, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жаъфар Турбатий каби кўплаб йирик санъаткорлар жаҳон тасвирий санъатида маълум ва машҳур устодлар ҳанузгача эъзозланадилар.

Ижодкорлик фаолияти, алоҳида қунт-эътибор, иқтидор, салоҳият маҳсули бўлган тасвирий ва амалий санъат жуда кўп қиррали, сержилодир. Демак, бу соҳа билан шуғулланган санъат намояндалари ўзига хос қобилиятли баркамол инсонлар бўлиб, ижоднинг бошқа соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришганлар. Масалан, шоир Жавҳарий совунгар, Мавлоно Ҳавофий тикувчи, шоир Мавлоно Мир Арғун чодир ясовчи ва безовчи бўлганлар. Мавлоно Алишер Навоий ҳазратлари ҳам шоир, давлат арбоби бўлиш билан биргалиқда мусаввирлиқда ҳам муваффақиятга эришган. Тасвирий ва амалий санъатнинг ажralmas қисмларидан ҳисобланган ўймакорлик санъати турли материалларга, тасвирларни ўйиб ёки бўрттириб тасвирлаш тарзида намоён бўлади. 200 дан зиёд турли тармоқларга бўлинадиган амалий санъат ҳам тарих силсилаларида тараққий этди, такомиллашди, ривожланди.

Ўймакорлик – ўйиб нақш солиш касби; халқ амалий санъатининг энг қадимий ва кенг тарқалган турларидан (ганч, ёғоч, металл, суюқ, тош ва б. ўймакорлиги) нақш ёки бирор тасвирни ёғоч, ганч, металл, тош, суюқ ва бошқаларни ўйиб, тирнаб, чизиб, бўрттириб, тешиб ишланади. Ўймакорлик намуналари бино қисмларини, уй-рўзғор буюмларини безашда, ҳайкалчалар яратища кенг қўлланилади

Ҳозирги пайтда республикамизда амалиётга жорий этилаётган таълим-тарбия тизимида, жумладан, ушбу тизимнинг умумтаълим босқичида бевосита ёғоч ўймакорлигидан доимий равишдаги ўқув машғулотлари олиб борилмайди. Амалий санъат таълим мининг кўплаб турлари каби ёғоч ўймакорлиги ҳам ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари ўқув фаолиятида, мустақил ўрганишларида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим тизимида, хусусан, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг амалий санъат сирларини ўрганишларида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этишининг аҳамияти каттадир. Тасвирий ва амалий санъат бўйича ташкил этиладиган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ўтказиша ўқувчиларнинг эстетик маданиятини шакллантириш, санъатнинг, гўзалликнинг ажойиб дунёсини ўрганишга, ҳис қилишга бўлган интилишларини, қизиқишлиарни шакллантириш ва тарбиялаш, ўз фаолиятини гўзал қилиб ташкил этишларига йўналтиришни мақсад этиб қўймоқ лозим.

### References:

1. Исаев Ж. А. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ НАГЛЯДНОСТИ В ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – С. 71.

2. Исаков Ж. А. Роль профессионализма и мастерства педагога в решении педагогических задач в процессе обучения изобразительному искусству //Актуальные вопросы современной науки. – 2013. – С. 86-89.
3. Исаков Ж. А., Юрданидзе М. Х. Применение инновационных технологий на уроках черчения //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 23-2 (77). – С. 21-24.
4. Чориев Р. К., Исаков Ж. А., Мухаммадиев К. С. Об информационном обеспечении повышения квалификации педагогических кадров в системе общеобразовательных школ //Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения. – 2014. – №. 38. – С. 66-69.
5. Исаков Ж. А. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНинг ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ //Научный Фокус. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 722-726.
6. Исаков Ж. А., Мамиталиев А. Г., Уринбоев И. К. ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАШФУЛОТЛАРИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 601-605.
7. Исаков Ж. ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО УЧИТЕЛЕЙ ТОЧНЫХ И ЕСТЕСТВЕННЫХ С УЧИТЕЛЕМ ЧЕРЧЕНИЯ //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 519-522.
8. Shakirova C. T., Isakov J. A., Orifjonov A. B. The importance of learning miniature painting in fine arts classes //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 1. – С. 334-337.
9. Isakov J., Yulbarsov F. KO'RGAZMALI KO'RSATMALAR ORQALI O'QUVCHILARNING FAZOVİY TASAVVURLARINI YANADA SHAKILLANTIRISH //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 21. – С. 81-85.
10. Isakov J., Yulbarsov F. ARCHITECTONICS OF THE INFORMATION AGE: NAVIGATING THE EVOLVING LANDSCAPE OF SCIENCE //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 28. – С. 72-74.
11. Isakov J. A. CHIZMA GEOMETRIYA VA PERSPEKTIVA FANI VOSITASIDA TALABALARNING KONSTRUKTIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH: CHIZMA GEOMETRIYA VA PERSPEKTIVA FANI VOSITASIDA TALABALARNING KONSTRUKTIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. – 2023.